



Зарифова Мафтуна Расулбек қизи

Мустақил изланувчи

Мавзу: Дастлабки тергов жараёнида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминланишнинг ўзига хос хусусиятлари

Аннотация: Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ислохотлар ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалалари, БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Жиноят процессуал қонунчилиги нормалари асосида илмий таҳлил қилинган.

Калитли сўзлар: Вояга етмаганлар, дастлабки тергов, БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси.

Аннотация: В статье на основе норм Конвенции ООН «О правах ребенка», Конституции Республики Узбекистан и уголовно-процессуального законодательства проведен научный анализ реформ в сфере обеспечения правопорядка, осуществляемых в Узбекистане за годы независимости, а также вопросов соблюдения прав человека на стадии предварительного расследования преступлений, совершенных несовершеннолетними.

Ключевые слова: Несовершеннолетние, предварительное расследование, Конвенция ООН о правах ребёнка, Конституция Республики Узбекистан, Уголовно-процессуальный кодекс.

Annotation: The article provides a scholarly analysis, based on the norms of the UN Convention on the Rights of the Child, the Constitution of the Republic of Uzbekistan, and criminal procedure legislation, of the reforms carried out in the field of law enforcement in Uzbekistan during the years of independence, as well as issues related to the observance of human rights at the stage of preliminary investigation of crimes committed by minors.

Key words: Minors, preliminary investigation, UN Convention on the Rights of the Child, Constitution of the Republic of Uzbekistan, Criminal Procedure Code.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ҳуқуқ-тартибот соҳасида барқарорликни таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнлар натижасида фуқароларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-



шароитлар яратилди. Шу билан бирга, олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай ҳуқуқий ва маъмурий муҳитни таъминлаш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларида либераллаштиришни амалга оширишга қаратилган. Қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини самарали ташкил этиш ҳамда юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини янада ривожлантириш давлат сиёсатида устувор вазифалар сифатида белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 46-сессиясида иштирок этиб, ўз нутқида шуни таъкидлади: “Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъий назар, улар учун жазо муқаррардир”⁴. Ушбу таъкидлар олиб борилаётган ислохотлар нафақат ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий фаровонлиги ва барқарор ривожланишига хизмат қиладиганлигини кўрсатади. Мустақиллик йилларидаги сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини такомиллаштириш ва суд-тергов соҳасида барқарор, шаффоф механизмларни яратиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқий маданият ва қонунчилик самарадорлиги сезиларли даражада юксалтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Хусусан, 27-модда ҳар бир шахснинг

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқлари: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.



эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалигини белгилайди ва ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi ёки қамокда сақланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Бу модда фуқароларнинг шахсий эркинлиги ва қонуний ҳимоясини кафолатлашда фундаментал ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, 28-модда жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда ҳар бир айбланаётган шахснинг иши судда қонуний тартибда ва ошкора кўриб чиқилиши, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланади. Суд жараёнида айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилиши, ҳеч ким қийноққа, зўравонликка ёки инсон қадр-қимматини камситувчи шафқатсиз тазйиққа дучор этилмаслиги талаб қилинади. Шу билан бирга, 31-модда ҳар бир шахснинг шаъни ва обрўсига бўлган ҳурмат, шахсий ҳаётига аралашмаслик ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқини кафолатлайди. Бу моддада ҳеч ким қонун билан белгиланган тартибдан ташқари бошқанинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни назорат қилиши мумкин эмаслиги, шунингдек ёзишмалар, телефон мулоқоти ва бошқа алоқа воситалари орқали шахсий маълумотларни ошкор қилиш тақиқланиши белгиланган⁵. Конституциянинг ушбу нормалари нафақат фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади, балки суд-ҳуқуқ тизимини демократик тамойиллар асосида ривожлантириш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳам асосий роль ўйнайди. Шу тариқа, 27-31-моддалар фуқароларнинг шахсий ва ҳуқуқий эркинликларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳамда давлат органлари томонидан қонуний назоратни амалга оширишда ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажаради.

Дунё амалиётида жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси⁶да қайд этилганидек, болаларга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракат ёки

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

⁶ БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml



ҳаракатсизлик биринчи навбатда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, улар иштирокидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ҳуқуқий ҳимоя механизмларини кучайтириш, шунингдек туман ва шаҳар ички ишлар органлари тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ишончли таъминлаш имкониятларини яратишни тақозо қилади. Бу эса ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, мазкур масала юзасидан фундаментал илмий-тадқиқот олиб бориш бугунги кунда долзарб масала эканлигини белгилайди.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатлари самарадорлигини таъминлаш учун терговчи жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига қатъий риоя қилиши, шунингдек, зарур мутахассислардан самарали фойдаланиши ва тактик усулларни мақсадга мувофиқ қўллаш талаб этилади. Айниқса, вояга етмаган шахслар иштирокида юзлаштириш, таниб олиш, кўрсатув ва кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларини амалга оширишда уларнинг ёши, ақлий ривожланганлик даражаси, ҳаётий тажрибаси ва шахсий психологик ҳолати алоҳида инobatга олиниши зарурлигини белгилайди. Шу билан бирга, муайян тергов ҳаракатида уларнинг иштироки психологик жароҳат келтириш эҳтимолига эга эканлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Дастлабки тергов жараёнида ҳуқуқий механизмлар самарали фаолият кўрсатиши учун бир қатор ташкилий ва техник чоралар қўлланилиши лозим. Масалан, терговга чақирилган шахсларнинг келган вақтлари электрон тизимда қайд этилиши, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида адвокатларнинг иштирокини назорат қилиш, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатишга оид тегишли шароитлар яратилган бўлиши шарт. Вояга етмаганлар билан ишлашда бу талаблар янада аҳамиятли бўлиб, уларнинг эмоционал ва психик ҳолати ушбу вақтда ҳимояга муҳтож бўлади.



Дастлабки тергов жараёнида вояга етмаганлар билан ишлашнинг психологик жиҳатлари ҳам эътибор марказида бўлиши керак. Терговчи ва суриштирувчилар уларнинг хавотирини камайтириш, стрессни минималлаштириш, ишонч муҳитини яратиш ва фуқаронинг ҳуқуқларига амал қилишни таъминлаш учун махсус методикалардан фойдаланиши лозим. Бундан ташқари, вояга етмаганлар билан ишлашда педагогика ва психология соҳа мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларнинг психологик ҳолатини баҳолаш механизмлари йўлга қўйилиши зарур. Вояга етмаганларни тергов қилиши давомида улар доимий ҳимоячи ва қонуний вакил иштирокида тергов ҳаракатлари ўтказилиши шарт. Зарур ҳолларда педагог ва психолог иштирокида ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари вояга етмаган шахсларни 6 соатдан кўп сўроқ қилиш мумкин эмаслиги процессуал қонунчилик билан белгилаб қўйилган⁷.

Ҳуқуқий жиҳатдан, вояга етмаганлар қонуний равишда ҳимоя қилиниши керак. Тергов ва суриштирув ҳаракатлари вақтида уларнинг ҳуқуқлари бузилмаслиги учун қонуний асослар аниқ белгиланиши ва суд назоратида амалга оширилиши муҳим. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва суд-тергов органларига ишончини оширишга хизмат қилади. Терговчиларнинг малакаси ва уларни инсонпарварлик тамойилларига риоя қилишлари мамлакатимизда адолатли суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар билан ишлашда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ҳамда уларнинг психологиясига алоҳида эътибор бериш жиноятларни самарали тергов қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, қонунчилик ва ташкилий механизмларни доимий равишда такомиллаштирилиши ва халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш мазкур масалани ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Дастлабки терговда қонун нормалари ва психологик ёндошувнинг уйғунлиги, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса нафақат ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, балки

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>



келажак авлодни соғлом психология ва ижтимоий барқарорликда тарбиялашга хизмат қилади. Шу боис, терговчи ва суриштирувчиларнинг малакалари мунтазам равишда янгиланиб борилиши, махсус психологик ва ҳуқуқий тренинглар ўтказилиши, ҳамда дастлабки тергов жараёнида барча жараёнлар электрон назорат тизими орқали қайд этилиши муҳимдир.

Шунингдек, вояга етмаганлар билан ишлашда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ота-оналар ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш зарур ҳисобланиб, ушбу чоралар болаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг жиноятчиликка аралашилишини олдини олиш ва шахсий хавфсизликни таъминлашда самарали натижалар беради.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки тергов жараёнида вояга етмаганлар психологияси ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда ушбу соҳага оид фаолиятнинг ҳуқуқий механизмлар ва психологик ёндошувнинг уйғунлиги орқали амалга оширилиши лозим. Бу жараёнлар инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳуқуқий демократик давлатни мустаҳкамлаш ва келажак авлодни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилади. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда илғор халқаро тажрибалардан фойдаланиш ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва уларни психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш бугунги куннинг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқлари: БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4179>.
3. БМТнинг 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtm



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январь кунидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60- сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>.